

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA562
- 75.Қурбонов Э.Э.**
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590

80.Холмўминов Ҳ.Э. ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
82.Ўтанов Х.Ш. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
84.Юлдошева Б.М. XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
85.Ғаффоров Я.Х. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
86.Шайдуллаева Г.Ш. БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
87.Yakubova Sh.A. O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659


ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ўтанов Хуршид Шералиевич,

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Тарих факультети Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва
амалиёти кафедраси ўқитувчиси x.utanov@mail.ru

XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНING ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН

For citation: Utanov Khurshid Sheralievich. THE HISTORY OF ETHNIC COMPOSITION AND SOCIAL LIFE OF BUKHARA EMIRATE IN THE EARLY 20TH CENTURY. Look to the past. 2020, SI, pp.615-624

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-82>

АННОТАЦИЯ

Бухоро амирлигида яшаган элатларнинг этник шаклланиши, амирлик таркибидаги бекликларда яшовчи халқларнинг ҳудудий жиҳатдан қайси ҳудудлар кесимида яшаши ўрганилган манбалар таҳлили натижаларидан келиб чиқиб ёритишга ҳаракат қилинди. Шунингдек амирлик ҳудудида истиқомат қилувчи қабилаларнинг давлат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ёритилган. Амирлик ҳудудидаги ижтимоий қатламлар, хусусан, маҳаллий бойлар, амалдорлар, зиёлилар, оддий аҳоли қатламларининг турмуш даражаси тадқиқ этилган. Бухорода давлат бошқарув аппарати томонидан халқ турмуш-тарзига бўлган мунособат ўрганилиб чирилган. Шу билан биргаликда қишлоқ-хўжалигида суғориш тизими муоммо ва камчиликларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қорақирғизлар, араблар, яҳудийлар, афғонлар, қорақалпоқлар, қозоқлар, қалмоқлар. Мулкдорлар ҳокимияти, амалдор ва савдогар бойлар, қози ва ҳокимлар, деҳқон ва ҳунармандлар, жадидлар, суғориш тизими.

Утанов Хуршид Шералиевич,
преподаватель Ташкентского педагогического университета

ИЗ ИСТОРИИ СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ И ЭТНИЧЕСКОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА В НАЧАЛЕ ХХВЕКА

АННОТАЦИЯ

Этническое формирование этнических групп проживающих в Бухарском Эмирате, каково территориальное деление народов живущих в бекствах в составе эмирата Изучены на основе выводов из результатов изучения источников. А также, освещен роль в социально-экономической жизни государства живущих племен в эмирате. На территории эмирата изучены социальные слои, в частности богатые местных жителей, чиновников, интеллигенции и простых людей. Изучено взаимосвязи образа жизни людей со стороны аппарата государственного управления Бухары. Вместе с этим, охватывает проблемы и недостатки сельскохозяйственной ирригационной системы.

Ключевые слова: узбеки, таджики, туркмены, курды, арабы, евреи, афганцы, каракалпаки, казахи, калмыки. Органы власти, чиновники и богатые торговцы, судьи и хаками, дехкане и ремесленники, джадиды, ирригационные системы.

Utanov Khurshid Sheralievich,
Lecturer at Tashkent Pedagogical University

THE HISTORY OF ETHNIC COMPOSITION AND SOCIAL LIFE OF BUKHARA EMIRATE IN THE EARLY 20TH CENTURY

ABSTRACT

In the Bukharan emirate, the ethnogenesis of the ethnic groups lived in the emirates was identified by the findings of the study of the sources of the regionally resident population. Also, the role of tribes in the socio-economic life of the Emirate has been highlighted. In the Emirate, social stratum, in particular the wealth of local people, officials, intellectuals, and ordinary populations has been studied. In Bukhara, the public administration apparatus and its relationships with people's lifestyle has been studied. At the same time, it has been tried to cover the problems and problems of the agricultural irrigation system.

Index Terms: uzbeks, tajiks, turkmens, kurds, arabs, jews, afghans, karakalpaks, kazakhs, kalmyks. Proprietor's authority, officials and rich trader, judges and hakims, farmers and craftsmen, jadids, irrigation systems.

Долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида халқаро муносабатларда иштироки жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви, жаҳон тарихи билан бир қаторда миллат тарихи неъматини бўлмиш меросдан илдам йўл билан бориш учун ҳаққоний тарихни яратишни илмий жиҳатдан ўрганиш зарур эканлиги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Давр талаби ўлароқ Бухоро амирлигини нафақат сиёсий жиҳатдан ўрганиш балки ижтимоий томонларини ҳам ёритишни талаб қилмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Бухоро амирлигининг давлат бошқаруви тарихи, амалдорларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, ижтимоий турмуш шароити акс этган муҳим тарихий манбаларнинг мавжудлигига, Б.Аҳмедов, А.Асқаров, Д.А.Алимова, Ҳ.Бобобеков, В.В.Бартольд, С.Бэкер, Р.Гроуссет, Ҳ.З.Зиёев, Б.Искандаров, Л.Е.Крестовский, И.Левин, Д.Логофет, Е.Мейендорф, А.Р.Муҳаммаджонов, О.М.Масалиева, А.В.Нечаев, Н.К.Норқулов, Қ.Ражабов, Садриддин Айний, Г.Хэмбли, М.Холдсворт, Ф.Ҳ.Қосимов, Р.Ҳолиқова ва бошқалар[1] Бухоро амирлигининг бошқарув фаолияти, маҳаллий бекликларнинг амирликдаги тутган ўрни, амирларнинг олиб борган ислоҳотлари тадқиқот ишлари, монографияларда кенг миқёсда ёритиб берилишига қарамадан Чор Россияси томонидан Бухорони эгалланишидан кейинги жараёнлардаги аҳолининг этник таркиби ҳамда, ижтимоий ҳаёти олимларнинг тадқиқотларида умумий нуқтаи назардан ёндашилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бухоро амирлиги XX аср бошида Ўрта Осиёдаги мавқеи жиҳатидан бир мунча кучли давлат эди. Бухоронинг майдони 225 минг кв км бўлиб, уч миллионга яқин аҳоли истиқомат қилган. Амирлик аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил этган бўлиб, улар жуда кўплаб уруғларнинг вакиллари ҳисобланган. Ўша даврда Бухоро амирлигида ўзбекларнинг умумий сони 1.5 млн киши деб кўрсатилган.[2,Б.75] Ўзбеклардан сўнг иккинчи ўринда сон жиҳатдан тожиклар туришган. Уларнинг умумий сони 150 минг деб берилган. Бошқа бир манбаларда уларнинг сони 650 минг деб кўрсатилган.[3,Б.4] Тожиклар асосан зич ҳолатда йирик шаҳарларда Самарқанд, Бухоро, Китоб, Ургут ва тоғли ҳудудларда жумладан Панжикент, Душанбе, Вахш бўйларида амирлик жануби, асосан Афғонистон билан чегарадош бўлган ерлар, Ҳисор - Дарвоз, Қоратегин, Кўлоб, Балжувон, Қабодиён ва Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида эса Фалгар, Матчо, Яккатут ва Фон бекликларида ва Кўштут, Мағиёнда яшашган.

Туркманлар ҳам сон жиҳатдан аҳолини катта қисмини ташкил қилиб, Бухоро амирлигига қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида ерларда, яъни амирликларнинг жанубий ва ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган. Туркманларнинг аксарияти Чоржўй, Бурдалиқ, Карки, Шеробод ва Қўрғонтепа бекликларига қарашли ерларда деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлишган. Туркман вилояти 100 тадан - 500 тагача аҳоли пунктларидан иборат бўлиб, туманлар ҳудудига тенг келарди. Маълумотларда Бухоро амирлигида яшаган туркманлар сони тахминан 200 минг киши деб кўрсатилган.[4,Б.464]

Ундан ташқари гоҳи Бухорода бўлса баъзида хитой-қипчоқ ҳудудига кўчиб ўтган қорақирғизлар ҳам истиқомат қилганлиги манбалардан малум. Бу ҳақида форсчадан Исмоил Бекжон таржимаси остидаги Бухоро сафарномаси асарида уларнинг сонини минг оиладан иборат бўлиб бой-бадавлат тарзда ҳаёт кечирганлар деган маълумот учрайди.

Амирлик аҳолисини кичик қисмини араблар ташкил қилиб, улар асосан Қарши ва Шеробод ҳудудларида яшаган. Шунингдек, Бухоро амирлиги ҳудудида форсийлар, яҳудийлар, ҳиндлар, лўлилар, афғонлар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва қалмоқлар ҳам яшаган. Қалмоқлар Бухоро шаҳрида, қорақалпоқлар эса Зарафшон, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида, қозоқлар эса Бухоро амирлигининг шимоли - шарқида, оз миқдорда Россия фуқаролигига мансуб бўлган, асосан савдо ишлари билан машғул бўлган татарлар ҳам истиқомат қилганлар. Маскур халқларнинг сони ҳақидаги маълумотларни манбаларнинг ўрганиш натижасида учрамадик.

1916 йил маълумотларига қараганда ҳар бир туманда 120 тадан - 340 тагача аҳоли манзиллари бўлган. Бухоро амирлигининг вилоятлари Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Амударё воҳаларида жойлашган. Бухоро амирлигининг энг катта вилоятлари мамлакатнинг шарқда жойлашган. 1914-1916 йил рўйхатига қараганда Балжувонда - 1420 та, Ҳисорда - 1200, Қоратегинда - 700, Кўлобада - 635 та аҳоли пункти бўлган.[5,Б.166]

Бухоро амирлигида 1913/14 йилларда 251,8 минг аҳоли истиқомат қилган бўлса, 1923/24 йилларда 180 минг аҳоли рўйхатга олинган. Муҳаммад Али Балжувонийни "Тарихи нофеий" асарида 1916 йилда Бухоро шаҳрида 80 минг аҳоли яшагани, шўролар босиб олгач 60 минг аҳоли қолганини ёзиб қолдирган. 1926 йилга келиб Бухоро шаҳрини ўзида 41 839 аҳоли рўйхатга олинган.[6,Б.101]

Бухоро амирлиги XX аср бошига келиб ишлаб чиқариш ва замоавий технология бўйича ғарбдан орқада қолиб кетган, чекланмаган монархия тузумидаги давлат эди. Ижтимоий тумуш даражаси паст, деҳқонларни аҳволи ўта оғир эди. Амирликдаги аҳолининг фақатгина 8-10 фоизини ташкил этадиган амалдор ва савдогар бойлар эса роҳат-фароғатда яшар эди.

Амирликдаги амалдорлар ичида порахўрлик гуллаган эди. Қози ва ҳокимлар амир ва сарой аҳлига ҳар йили ҳаддан ташқари пешкаш, ҳадя, тортиқ ва пора берар эди. Пора берувчиларнинг ҳеч қайсиси буни ўз ҳамёнидан бермаган, балки икки-уч ҳисса ортиқ қилиб аҳолидан, айниқса, деҳқонлардан ундирганлар. Бухоро ҳукуматида амирдан тортиб кичкина ҳукумат маъмуригача тортиқ ва порани бекор қилишга қарши бўлганлар.[7,Б.32-33]

Амирнинг ўзи эса Бухорода бўлаётган воқеаларга бефарқ бўлиб, кўплаб вақтини шаҳардан ташқарида, чорбоғларда ўтказган. Амир Абдулаҳадхон амирликни Карманадан туриб бошқарган бўлса, амир Олимхон кўплаб вақтини ёзги сарой Ситораи Моҳи Хоссада (Оймонанд юлдузлар саройи маъносини англатади. Бухородан 6 км шимоли-ғарбда жойлашган Бухоро амирларнинг ёзги саройи.) ўтказган. Амир Олимхон даврида давлат ишлари тўлиқ қўшбеги, қозикалон, раиси калон ва хазиначи қўлига ўтган эди. Амир эса бепарволик қилиб, айш-ишрат билан юрган. Мазкур фикрга мисол келтирадиган бўлсак, амирликдаги амалдорлардан бўлган Мирзо Салимбек "Тарихи Салимий" мемуар асарида 1918 йил Бухоро шаҳрида афғон ҳарбий гуруҳларининг талончилиги тўғрисида маълумот бераркан: "Афғонлар беш ой давомида Бухорони ҳар бир уйи, боғларини талаб, одамларни қийнаб, улардан от ва мол-мулкларини тортиб олиб, бебошлик ва расвогарчиликларни амалга оширишди. Лекин шу давр ичида арқда турган амир бундай бедодликлардан хабарсиз эди. Бундай талончилик ва ёвузликни Бухоро аҳли Чингизхон ва Хулагу давридан бери кўрмаган эди"[8,Б.212-216]. Наҳотки Бухоро аркида турган амир беш ой одамларнинг тинчини бузиб, уларни талаган афғонларнинг зулмларидан хабарсиз бўлиши мумкин. Ахир у амир, давлат унинг қўлида, ҳар соатда бўладиган воқеалар унга келиб туриши керак. Бу мисоллардан кейин ҳақиқатда ҳам Бухоро амири халқ у ёқда турсин, давлат ишларини ҳам унутиб қўйгани тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Бухородаги амир ва амалдорларнинг илмсизлиги, бойликка ружу қўйиб, фақат ўзини ўйлаши тўғрисида Муҳаммад Али Балжувонийнинг "Тарихи нофеий" асарида қўйидаги фикрлар мавжуд: "Бухоро салтанатининг равнақи машҳур, лекин сиёсати йўқдир. Ваҳоланки, подшоҳлар сиёсат илмини билишлари лозим бўлган. Душманга қарши сиёсат қилиш билан бирга одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш даркор. Минг афсус! Давлатимизда аскар-у қурол бору, аммо бу аскарда сиёсат ва жасорат

йўқ! Сиёсий ҳокимларимиз сиёсат тартибидан бебахрадирлар"[9, Б.31].

Мирзо Салимбек мавжуд эски тузум вакили бўлиб, амалдор бўлсада, ХХ аср бошида Бухоро амирлиги инқироз ҳолатида эканини яхши тушунган. У амир Олимхон тўғрисида доим "ҳазрати олийлари", "иймон курашчиси" деб таърифласа ҳам, амир тўғрисида ўзининг танқидий фикрларини ёзиб қолдирган. Унинг айтишича, амир Олимхон даврида ўша - ўша маъмурий бошқарув аппарати, фуқаролар устидан амирнинг чекланмаган ҳокимияти, Бухоро жамияти ҳукмрон доираларининг текинхўрларча турмуш тарзи, демакки, оддий халқнинг оғир ҳаёти сақланиб қолди. Бироқ, Олимхон ажодларидан фарқли равишда, иродаси суст, унинг ҳатти-ҳаракатлари кўп жиҳатдан атрофидаги мансабдорларга, ким ундан юқори келса, ўшаларга боғлиқ бўлган.[10, Б.12-13]

Файзулла Хўжаев ўзининг асарида Бухородаги мавжуд аҳвол тўғрисида маълумот бераркан, унинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: "Ўша вақтнинг ўзига келиб, Бухоронинг ўзи ҳам таниб бўлмайдиган бўлиб қолди: Бухорода хўжалик ва сиёсий танглик ҳар қачонгидан кўра кўпроқ аён бўлиб қолди, чунки амирнинг сиёсати, амир амалдорларининг талончилиги, солиқ ва ўлпонларнинг кўпайиши тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етди. Меҳнатқашлар муллаларнинг ташвиқоти бутунлай ёлғон ва уларнинг ўзларини гирт алдамчи эканлигини тушуна бошладилар"[11, Б.205].

Амирликда амалдор ва аскарларга муқим маош тайинланмаган, улар ўзларини манфаатлари учун авом халқни таларди. Манфаатпарастлик авжига чиққан эди. Кўпчилик шариат ҳимоячилари бўлмиш қози ва раислар "амир ҳазратларининг соғлиги ва у кишининг" номидан одамларни зиндонга ташлар, керак бўлса ўлимга ҳукм қилар эди.

Бухородаги ижтимоий ҳаётнинг инқирозга учраган, деҳқон ва ҳунармандларнинг аҳволи ниҳоятда оғир даражада эди. Давлат аппаратининг бош-бошдоқликка асосланган сиёсати амирликни ривожланаётган давлатлар даражасига қўшилишига тўсиқ бўлаётган эди. Икки ярим миллион аҳоли, саноати бўлмаган, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривожланмаган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг усуллари мутлақо қолақ бўлган Бухоро "мулкдорлар ҳокимияти" деб аталган таловчилар тўдасининг ҳаммасини, уларнинг қариндош - уруғларини ва ёр-у-биродарларини, 25 - 30 минг кишилик армияни сақлаб туриши, бойлар томонидан йиртқишларча эксплуатация қилиниши, сон-саноксиз муллаларни тўйдириб туриши ва шундай шароитда, 1860 йилдаги рус-бухоро урушидан кейин ўтган 50 - 60 йилча вақт ичида амирга шу қадар катта капитал тўплаб бериши лозим бўлди. Шунинг учун ҳам мамлакат мана шундай тамомила хонавайрон бўлган ва қашшоқланиб қолган ҳолда Совет ҳокимияти қўлига ўтди. ХХ асрда жаҳоннинг бошқа бирор қисмида бунчалик хонавайролик ва қашшоқлик бўлиши мумкин эмас эди.[12, Б.205-207]

Амирликда диний фанлар ривожланган, лекин дунёвий фанлар анча орқада қолаётган эди. Мадрасалар учун жуда катта вақфлар ажратилган, лекин бу маблағлар мударрис ё мадрасада таҳсил олаётган муллабаччаларга эмас, балки бойлар, судхўрлар, амалдорлар қорни учун кетарди. Мадрасаларда ўқитиш тизими асосан қуруқ ёдлаш, схоластика ва мутаассибликка асосланган эди. Мавжуд ижтимоий инқирозни чуқур ҳис этган зиёли инсонлар - жадидлар бу тузумни ўзгартириб, ислохотлар ўтказиш учун кураш олиб бордилар. Жадидлар мавжуд тузум шароитида давлатни ислох қилишнинг бирдан-бир йўли бу дунёвий фанларни ёшлар онгига сингдириш, янгича таълим тизимини жорий этиш деб билганлар. Амир ва мутаассиб муллаларнинг қаттиқ қаршичилигига учраган хур фикрли жадидлар, амир

тузумини ағдариб, янгича, давлат қурмоқчи бўлганлар. Улар ҳеч қачон ягона мусулмон давлатини қуриш ёки бирон - бир мусулмон давлатига қўшилмоқчи ҳам бўлмаганлар. Улар ўз мақсадларини ўзларининг фикрлари, дунёқарашларига асосланиб, ижтимоий, диний, одоб-ахлоқ нормалари ва принципларига таянган ҳолда амалга оширмоқчи бўлишган [13, Б.178]. Бу маърифатпарварларга Муҳиддин Мансуров, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Шарифжон Маҳдум, Мусо Саиджоновларни айтиш мумкин.

Муҳаммад Али Балжувонийнинг "Тарихи нофеий" асарида Бухородаги мавжуд бошқарув ва таълим тизими тўғрисида маълумот берилган бўлиб, унда "Бухоро халқи аслида озодалик, андишалик, ҳимоясизлик билан танилган ва машҳур бўлган. Унда Бухоро нега хору-зор бўлди? Илмсизликдан, яъни Бухорода сиёсат илмига умуман йўл бермаганликларидан" [14, Б.31].

Файзулла Хўжаев ўз асарларида бир вақтлар (бундан бир неча йилча муқаддам) - мактаблар очиш, "илм-фанни" ривожлантириш, ободончилик мақсадлари учун, камбағалларни боқиш учун тайинлаб қўйилган вақфларнинг жуда кўп маблағлари аллақачон ҳукумат қўлига ўтиб кетган ва қисман катта-катта руҳонийларнинг шахсан фойдаланиши учун берилган эди [15, Б.227]. Ўзининг кўп ҳаётини мадрасада таълим олиш билан ўтказган Садриддин Айний, улар тўғрисида шундай фикр билдиради: "Ҳозиргача ўзининг ҳашамати билан лол қолдирган, уч - тўрт аср олдин қурилган бу эски мадрасалар, ташқи жиҳатдан улуғворлиги, зийнати, ярқираб туриши билан, ички жиҳатдан қоронғулиги, бўғиқ, сассиқ, ўта торлиги билан феодал тузумни аниқ кўрсатиб беради. Ўрта аср феодализмнинг иккиюзламачилиги ва кўполлиги акс этган бу биноларни Россияда анчадан бери китоблар ва музейлар орқали ўрганишмоқда. Мен ўзим ҳаётимнинг ярмини шу ерда ўтказиб, азоб ва жафо чекканман" [16, Б.4].

Фитрат ҳам амирликдаги ўқитиш тизими тўғрисида фикрларини билдираркан, Бухоронинг асрлар давомида машҳур бўлганини, ҳозирга келиб, илмсизлик ва жаҳолатпарастлик ботқоғига ботиб қолганини алам билан тилга олган. "Бутун оламга 400 минг олимни ҳадя этган Бухорои шариф шунчалик кучга эга эди. Ҳозир эса афеус! Буюк бадбахтлик билан иқрор бўламанки, ҳозир бу маданият қуёшининг осмони, бу инсоният жаннати, бу фозиллар дунёсининг маъмур хонадони, бу маърифат жаҳонининг дарсхонаси тараққиёт учун барча воситаларга эга бўлса ҳам, жаҳолатнинг асл макони, хорлик занжирининг асирлигича қолмоқда. Тирикчилик учун барча воситалар бўлишига қарамасдан, ёқасини ажал панжасига топширган" [17, Б.29].

Бухорода хўжаликни соғломлаштириш, саноат ва савдони ривожлантириш сифати паст эди. Бухоронинг давлат арбоби Файзулла Хўжаев Бухородаги ижтимоий ҳаёт тўғрисида теран қарашларини билдирган. Халқ маорифининг аҳволи тўғрисида, шаҳар қурилиши, соғлиқни сақлаш тўғрисида, шаҳар қурилиши муаммолари ҳақида, халқнинг дам олиши ва ҳордиқ чиқаришига доир бирор маданий усуллар тўғрисида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Инқилобга қадар Бухоро театр, кинонинг нималигини билмаган. Икки ярим миллион аҳолиси бўлган бутун мамлакатда битта хусусий кино бўлган. [18, Б.227] Аҳоли эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш ишлари нақадар ёмон аҳволда бўлганлигини лоақал шундан ҳам билса бўладики, мамлакатнинг расмий маълумотларига қараганда, йилига олиб турган 18 000 000 сўмлик даромадидан Бухоро шаҳрида икки-учта касалхона қурилганлиги ва кўчаларга тош ётқизилганлиги ҳисобга олмаса, мана шу эҳтиёжларга бир тийин ҳам сарфланган эмас [19, Б.227].

Мамлакатнинг эҳтиёжларини бутунлай назар-эътиборга олмаслик, халқ манфаатларига сира аҳамият бермасликдан иборат бўлган бу ҳолат Бухоро шаҳрининг ўзида ва унинг атрофида аҳоли систематик равишда қирилиб бораётганлигига амир ва унинг ҳукумати қай назарда қараганлигини яққол кўрсатиб турибди. Бухорода кенг тарқалган, бутун Ўрта Осиёга ва Россияга маълум бўлган безгак касали ёзда, қишлоқ-хўжалик ишларининг долзарб пайтида жуда кўп кишиларни дармонсизлантириб йиқитиб қўйган. Бу юқумли касаллик сабабли анчагина одамлар қурбон бўлиб, Файзулла Хўжаев ёзганидек, "одамлар бамисоли пашшадек ўлаверди, шунга қарамай, Бухорода фақат битта подшо врач, иккита хусусий врач, бир нечта фелдшер, бир-иккита дорихона бор эди. Халқ бошига тушган бу офат билан кескин кураш олиб бориш учун, ҳеч қачон, ҳеч қандай чора кўрилган эмас. Безгакнинг тарқалишига йўл очиб бераётган асосий сабабларни йўқотиш - тупроқнинг зах босиб кетаётганлиги билан курашиш тадбирларига келсак, бу тўғрида ҳеч ким ва ҳеч қачон ўйлаган эмас[20, Б.228].

Бухородаги суғориш тизимининг тўғри йўлга қўйилмаганини Бухоронинг охири қозикалонларидан бири Шарифжон Махдум(Садр Зиё) шундай деган: "Бухорога сув Карманадан келарди ва 22 та тармоқга бўлинган эди. Ҳар бир тармоқ битта туманни ташкил этган минг таноб ерни суғориш учун мўлжалланган эди. Бухорода сувни тўғри тақсимлаш ишини ҳеч ким, ҳаттоки махсус амалдорлар ҳам билишмаган" [21, Б.56].

Бухоро туманларида сув кам бўлиб, экинлар қовжираб қолаётганда аҳоли қурт босган ҳовуз сувини ичишга мажбур эди, айна пайтда, бутун-бутун туманлар ботқоқликка айланиб, у ерларда безгак тарқатувчи чивинлар пайдо бўлар ва йилдан-йилга кўпаяр эди. Бу халқ - хўжалигига ҳам катта зарар етказар эди: экин майдонларини қисқартириб юборар, ернинг сифатини ёмонлаштирар эди[22, Б. 228].

XX аср бошида Бухорода ижтимоий ҳаёт ривожланмаган, қолақ аҳволда эди. Амир ислоҳотларини амалга оширмақчи бўлганда, мутаассиб амалдорларнинг қаршилигига учраши натижасида Бухорода ижтимоий ҳаёт замон талаблари даражасига жавоб бермаган. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки айнан амир Олимхон даврида Бухорода газеталар босишга, солиқларни камайтиришга, саройдаги тортиқ ва пешкашларни камайтиришга ҳаракат қилинган. Лекин бу ислоҳотлар, юқорида айтиб ўтганимиздек диний уламо ва мутаассиб амалдорларнинг қаршилигига учраган.

4. Хулосалар:

Бухорода давлат бошқарув аппарати марказлашмаган, ҳокимият амалда қўшбеги, қозикалон, раиси калон ва бошқа амалдорлар қўлида эди. Оддий халқнинг турмуш-тарзи жуда паст, ҳамма қийинчиликлар уларнинг елкасида эди. Шаҳарда канализация, тоза ичимлик суви, соғлиқни-сақлаш тизими талабга жавоб бермас, шаҳарсозлик қурилишлари ўрта аср технологиясига асосланган, мадраса ва биноларнинг ҳужралари тор, ҳаво алмашиш системаси йўқ бўлиб, режалаштирилмай қурилганлигини кўришимиз мумкин.

Қишлоқ-хўжалигида суғориш тизими яхши йўлга қўйилмаган, ерларнинг мелиоратив ҳолати паст бўлган ерларда ишлашиг натижасида ҳосил кўрсаткичи паст бўларди. Шу каби бир қанча омиллар халқни турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатиб борар эди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Қаранг: Б.Аҳмедов. Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари. - Тошкент: Чўлпон, 2003. - 110 б; История Узбекистана (XVI - первая половина XIX века) / А.А.Асқаров, Б.А.Аҳмедов, С.К.Камалов ва бошқ; Отв.ред. Р.Г.Мукминова. - Ташкент: Фан, 1993. - 476 с; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари/ Масъул муҳаррирлар: Д.А.Алимова, Э.В.Ртвеладзе. - Тошкент: Шарқ, 2001. - 224 б; Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома / Ҳ.Бобобеков, Ш.Каримов, М.Содиқов ва бошқ.: Масъул муҳаррир Ш.Каримов. - Тошкент: Шарқ, 2000. - 400 б; Бартольд. В.В. Узбекские ханства // Сочинения. Т.2. Ч 1. - М.: Наука, 1963. - 1020 с; (B.Ahmedov. Famous Uzbek historians. - Tashkent: Chulpon, 2003. - 110 b; Istoriya Uzbekistana (XVI - XIX veov) / AA Askarov, BA Ahmedov, SK Kamalov and others; Otv.red RGMukminova. - Tashkent: Science, 1993. - 476 s; Essays on the History of Uzbek Statehood / Responsible Editors: DA Alimova, EVRtveladze. - Tashkent: East, 2001. - 224 b; History of Uzbekistan: A Brief Background / H.Bobobekov, Sh .Karimov, M.Sadykov, etc. - Tashkent: East, 2000. - 400 b; Bartold. V.V. Uzbekskie hanstva // Sochi. T.2. Ch 1. - М.: Nauka, 1963. - 1020 pp), Becker S. Bukhara and Khiva. 1865-1924. - Cambridge: 1968. - 416 p; Grousset R. The Empire of the Steppes: A History of Central Asia / translated by Naomi Walford. - New Brunswick: Rutgers University press, 1970. - 687 p; ЗиёевҲ.З. Туркистонда Россиятажовузиваҳукмронлигигақаршикураш. - Тошкент: "Шарқ", 1998; - 185 б; Искандаров Б.И. ИзисторииБухарскогоэмирата. - М.: Вост. литер., 1958. - 131 с; КрестовскийЛ.Е. ВгостяхуэмираБухарского. Соб. соч. Т.VII. - СПб.: Березовский, 1911. - 229 с; Левин И. К вопросу о феодальном государстве на Востоке // Советское государство. - Москва. 1938. - № 5; Логофет Д.И. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. - СПб.: Березовский, 1909. - 340 с; Логофет Д.И. Бухарское ханство под русским протекторатом. - СПб.: Березовский, 1911. - 332 с; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: Наука, 1975. - 182 с; Мухамеджанов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX - нач. XX вв.) - Ташкент: Университет, 2001. - 415 с; Масалиева О.М. XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихининг ўрганилиши // "Ўзбекистонда тарих фани" илмий анжуман материаллари. 1 қисм. - Тошкент: ТДПУ, 2006. - Б.39-43; Масалиева О.М. XX аср инглизамерика тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари: Тарих фанлари номзоди□дисс. - Тошкент: 1999. - 172 б; Нечаев А.В. По горной Бухаре. Путевые очерки. - СПб.: 1914. - 107 с; Норқулов Н.К. "Тарихи Салимий" - ценный источник по истории Бухарского эмирата: (1860-1920). Автореф. дис...канд. ист. наук. -

Ташкент: 1968. - 24 с; Ражабов Қ. Ўчиб, сўниб... яна ёниш бор... // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 1997. - № 2. - Б.37-41; Ражабов Қ. Амир Ҳайдар ёхуд Амири Саййид // Бухоро мавжлари. - Бухоро, 2006. - № 2. - Б.40-42; Айни С. Танланган илмий асарлар. -Тошкент: Фан, 1978. - 335 б; Айни С. Бухара. (Воспоминания). / Пер. с тадж. С.Бородина. - Душанбе: Ирфон, 1980. - 260 с; Айний С. Таърихи инқилоби Бухоро. - Душанбе: Ирфон, 1987. - 240 с; Айни С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. -М.: Книжная фабрика центр. изд-ва народов СССР, 1926. - 256 с; Hambly G. Central Asia. - New York: 1969. - 388 r; Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A brief History of Khanates of Central Asia. - Oxford: 1959. - 80 p; Қосимов Ф. Халқ дарди билан яшар эди // Бухоро Мавжлари. - Бухоро, 2006. - № 2. - Б.12-13; Ҳолиқова Р. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар // Мулоқот. - Тошкент, 2004. - № 4. - Б.41-42. (Ziyoev H.Z. Fight against

Russian aggression and rule in Turkestan. - Tashkent: "Sharq", 1998; - 185 b; Iskandarov B.I. From the history of the Bukhara emirate. - M.: East. letter., 1958. - 131 s; Krestovsky L.E. Visiting the Emir of Bukhara. Sob. Op. T.VII. - St. Petersburg: Berezovsky, 1911. - 229 s; Levin I. On the question of the feudal state in the East // Soviet State. - Moscow. 1938. - No. 5; Logofet D.I. The country of lawlessness. Bukhara Khanate and its current state. - St. Petersburg: Berezovsky, 1909. - 340 s; Logofet D.I. Bukhara Khanate under the Russian protectorate. - St. Petersburg: Berezovsky, 1911. - 332 s; Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. - M.: Nauka, 1975. - 182 s; Mukhamedzhanov A.R. Settlements of the Bukhara Emirate (end of XIX - beginning of XX centuries) - Tashkent: University, 2001. - 415 s; Masalieva O.M. Studying the history of Bukhara Emirate in the beginning of the 20th century // Proceedings of the scientific conference "Science of History in Uzbekistan". Part 1 - Tashkent: TSPU, 2006. - B.39-43; Masalieva O.M. Bukhara, Khiva and Kokand khanates in 20th-century British history: Candidate of Historical Sciences ... diss. - Tashkent: 1999. - 172 b; Nechaev A.V. On mountain Bukhara. Travel essays. - SPb.: 1914. - 107 s; Norkulov N.K. "Tarihi Salimiy" is a valuable source on the history of the Bukhara emirate: (1860-1920). Abstract. dis ... cand. East. sciences. - Tashkent: 1968. - 24 s; Rajabov Q. Shut off, switch off ... there's more burning ... // Society and Governance. - Tashkent, 1997. - No. 2. - B.37-41; Rajabov Q. Amir Haydar or Amiri Sayyid // The Wave of Bukhara. - Bukhara, 2006. - No. 2. - B.40-42; The same S. Selected scientific works. - Tashkent: Science, 1978. - 335 p; Айни С. Бухара. (Воспоминания). / Пер. стадж. С.Бородина. - Душанбе: Ирфон, 1980. - 260 с; Ayniy S. History Revolution Bukhara. - Dushanbe: Irfon, 1987. - 240 s; The same S. Materials for the history of the Bukhara Revolution. - M.: Knitting factory center. izd-va narodov USSR, 1926. - 256 p; Aini S. Bukhara. (Memories). / Per. with taj. S.Borodina. - Dushanbe: Irfon, 1980. - 260s.)

2. Холиқова Р. Россия-Бухоро тарих чорраҳасида. - Тошкент: Ўқитувчи, 2005. - Б.75. (Kholikova R. At the Russian-Bukhara crossroads of history. - Tashkent: Instructor, 2005. - B.75.)

3. Тухтаметов Т.Г. Русско-Бухарские отношения в конце XIX - начале XX в. - Тошкент:Фан, 1966.-С.4. (Tukhtametov T.G. Russian-Bukhara relations in the late nineteenth and early twentieth centuries. - Tashkent: Fan, 1966. - C.4.)

4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон Чор мустамлакачилиги даврида. Редколлегия: Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмонов. Тошкент: Шарқ, 2000.- Б.464. (The modern history of Uzbekistan. Book 1 Turkistan during the colonial period. Editorial staff: H.Sadykov, R.Shamsutdinov, P.Ravshanov, K.Usmanov. Tashkent: East, 2000. - B.464.)

5. Бартольд В.В. Географический очерк Мовареннахра/Сочинения. Т.И. Москва, 1965-С.166. (Bartold VV Geographical sketch of Movarennahr / Works. T.I. Moscow, 1965 - C.166.6.)

6. Сухарева О.А. Бухара конца XIX - начала XX в.- С.101.(Sukhareva O.A. Bukhara at the end of the 19th - beginning of the 20th centuries - C.101)

7. Абдурауф Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. - Б.32-33. (Abdurauf Fitrat. The reign of Amir Alimhan. - B.32-33.)

8. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими. - С.212-216. (Mirza Salimbek. The History of Salimi. - C.212-216)

9. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий. - Б.31. (Muhammad Ali Baljuvani. The history is inferior. - B.31)

10. Алимова Д, Рашидов У. XIX аср охири - XX аср бошларида Бухородаги

сийсий ҳаракатлар ва курашлар. - Б. 12-13. (.10. Alimova D, Rashidov U. Political movements and struggles in Bukhara in the late 19th and early 20th centuries. - В. 12-13.11.)

11. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар I том. - Тошкент: Фан, 1976. -Б.205. (Fayzulla Khodjaev. Selected works I - Tashkent: Science, 1976. - В.205.)

12. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар I том.- Тошкент: Фан, 1976. -Б.205-207. (Fayzulla Khodjaev. Selected works I - Tashkent: Science, 1976. - В.205-207)

13. Алимова Д.История как история, история как наука.- С.178. (Alimova D. History as a history, history as a science. - С.178.)

14. Муҳаммад Али Балжувоний.Тарихи нофеий. - Б.31. (Muhammad Ali Baljuvani. The history is inferior. - В.31)

15. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар I том.- Тошкент: Фан, 1976. - Б.227. (Fayzulla Khodjaev. Selected works I - Tashkent: Science, 1976. - В.227)

16. Айни С. Бухара. (Воспоминания). / Пер. с тадж. С.Бородина. - Душанбе: Ирфон, 1980. -- С.4.Aini S. Bukhara. (Memories). / Per. with taj. S. Borodina. - Dushanbe: Irfon, 1980, -S.4)

17. Абдурауф Фитрат. Рассказы индийского путешественника. Перевод с персидского А.Н. Кондратева. Тошкент, 2007.-С.-29. (Abdurauf Fitrat. The stories of an Indian traveler. Translation from Persian A.N. Kondrateva. Tashkent, 2007.-С.-29.)

18. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар I том.- Тошкент: Фан, 1976.-Б.227. (Fayzulla Khodjaev. Selected works I - Tashkent: Science, 1976. - В.227.)

19. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар I том.- Тошкент: Фан, 1976.-Б.227. ((Fayzulla Khodjaev. Selected works I - Tashkent: Science, 1976. - В.227.)

20. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар I том.- Тошкент: Фан, 1976. - Б.228. ((Fayzulla Khodjaev. Selected works I - Tashkent: Science, 1976. - В.228)

21. Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии периода присоединения к России. - С.56. (21. Epifanova L.M. Handwritten sources on the history of Central Asia during the accession to Russia. - p. 56.)

22. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар I том.- Тошкент: Фан, 1976. -Б.228. (Fayzulla Khodjaev. Selected works I - Tashkent: Science, 1976. - В.205.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000